# Ishonch

*Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!*

2023-yil
7-mart
seshanba
№ 30 (4782)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan





*Саидакбар Абдураимов олган сурат*

# «Атиргул» эгаларини топди

**Ёшлар ишлари агентлигида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан ўтказиб келинаётган «Атиргул – 2023» республика кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.**

Тақдирлаш маросимида устоз журналистлар, ОАВ ходимлари, жамоатчилик вакиллари ва жамиятимизнинг фаол аёллари иштирок этди.

Тадбир очилишида сўз олган Ўзбекистон журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчиси, танловнинг ташкилий қўмита раиси Холмурод Салимов мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрни, роли ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётганини, уюшма томонидан журналист аёлларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Айтилишича, «Атиргул – 2023» танловига 149 нафар иштирокчидан 800 дан ортиқ ижодий иш келиб тушган. Жумладан, босма нашрлар йўналишида 59, телевидение йўналишида 37, радио йўналишида 15 ва интернет журналистика йўналишида 25, ахборот хизмати йўналишида 13 нафар ҳамкасбимизнинг ишлари кўриб чиқилган.

Ҳакамлар ҳайъати ғолибларни уч босқичли саралаш натижасида аниқлашди. Унга кўра, «Инсонга эътибор мавзуси ёритилган энг яхши материал учун» номинацияси ғолиблиги Адлия вазирлиги қошидаги «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот марказининг «Инсон ва қонун» газетаси ҳамда «Ҳуқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журнали таҳририяти мухбири Гулбаҳор Ортиқхўжаевага, «Сифатли таълим аҳамиятини очиб берган энг яхши материал учун» номинацияси бўйича эса Республика Маънавият ва маърифат маркази Рақамли тарғибот бўлими бош мутахассиси Инобат Аҳатоваларга насиб этди.

«Маънавий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг ёритгани учун» номинацияси бўйича ғолиб деб Ўзбекистон МТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат муассасасининг биринчи тоифали муҳаррири Робия Худойбердиева топилди. Бошқа номинациялар бўйича ҳам совриндорлар тақдирланиб, уларга махсус статуэтка ва пул мукофотлари топширилди.

– Журналистика – машаққатли соҳа. Чунки нимадир ёзмоқчи бўлсанг, то уни қоғозга тушириб бўлмагунингча изланасан, маълумот тўплайсан. Уйингга борганингда ҳам хаёлингда ана шу мавзу айланаверади, ўйлантираверади. Хуллас, ишда танаффус бўлмайди. Хаёл банд бўлади. Аммо бугунги рағбат бошқа ҳамкасбларим каби менинг ҳам шижоатимга шижоат қўшди. Байрамона кайфиятимга кўтаринкилик бағишлаб, ота-онам ва бутун оиламдагилар учун совға бўлди, – дейди «Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида энг яхши ёритилган материал учун» номинацияси ғолиби, ИИВнинг бирлашган таҳририяти «Postda» газетаси ҳудудий мухбири Маҳлиё Холова.

**Зебо НАМОЗОВА**
«ISHONCH»




**Қарши шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан 8 март – Хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбири уюштирилди.**



# ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ

Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят театрида бўлиб ўтган тантанали маросимда Қашқадарё вилоят ҳокими ўринбосари Комила Каромова, вилоят кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев ва бошқалар сўзга чиқишиб, азиз ва мўътабар аёлларимизни гўзаллик ҳамда баҳор айёми билан чин дилдан муборакбод этишди.

Шундан сўнг, турли тармоқларда меҳнат қилаётган илғор ва фидойи хотин-қизларга байрам совғалари тақдим этилди. Тадбир давомида «Лазги» ашула ва рақс ансамбли томонидан намойиш этилган маданий дастур иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

– Касаба уюшмалари хотин-қизларга жуда ажойиб совға тайёрлади, – дейди «Деҳқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти оператори Ҳусния Эшқулова. – Юрт, она ҳақида янграган қўшиқлардан тўлқинландик, шўх тароналар янграганда эса яйраб рақсга тушдик. Заводимиз касаба уюшма қўмитаси ҳам мазкурназокат байрамига ўзгача тайёргарлик кўрди. Спорт мусобақалари ҳамда «Балли қизлар» танлови ташкил этилди. Шашка мусобақасида ғолиб бўлдим. Танловда эса учинчи ўрин насиб қилди. Энг асосийси, юртимизда аёлларга бўлаётган эътибор ва эҳтиромдан жуда қувондим, касаба уюшмаларига раҳмат!

Дарҳақиқат, кўпчилик онахонлар, опа-сингиллар таъкидлаганидек, дилбар мусиқий дастур баҳорий кайфият тақдим этибгина қолмай, янги меҳнат зафарлари сари ҳам руҳлантиради...

**Акмал АБДИЕВ**
«ISHONCH»

## КУН нафаси



**ПРЕЗИДЕНТЛАР ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

**КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФЛАР ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЛАШУВ**



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Олий суд раҳбарияти билан учрашди. Унда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан халқимиз томонидан келиб тушган таклифлар якунлари бўйича маслаҳатлашув бўлиб ўтди.

**ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ТАБРИК**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жадидлар меросини ўрганишга бағишланган Халқаро конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

**ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ**




«8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида» Президент фармони қабул қилинди.

**ЗУЛФИЯЧИЛАР АНИҚЛАНДИ**

Президент Шавкат Мирзиёев «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

**«МЎЪТАБАР АЁЛ»ЛАР ТАҚДИРЛАНДИ**



Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ҳамда истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларга «Мўътабар аёл» кўкрак нишони топширилди.

**ТИББИЙ ОТРЯД ЮРТИМИЗГА ҚАЙТДИ**

Туркияда 24 кун давомида зилзила оқибатларини бартараф этишда иштирок этган Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг малакали ҳарбий хизматчилари Тошкентга қайтиб келди.

**ҚУЁШ ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛАДИ**



Юқори Чирчиқда йирик қуёш фотоэлектр станцияси қурилишига тамал тоши қўйилди.

**ЯНГИ УЙЛАРНИНГ КАЛИТИ ТОПШИРИЛДИ**

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Қўнғирот туманидан ёрдамга муҳтож бўлган 10 нафар хотин-қизга янги уйларнинг калити топширилди.

**ШОҲСУПАНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ПОҒОНАСИДА**




Пойтахтимизда қиличбозлик бўйича ўтаётган Осиё чемпионатининг ўсмирлар тоифасидаги баҳсларда учта олтин медални қўлга киритган саблячи қизларимиз жамоавий дастурда шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.













Ҳисобот даври

# МАҚСАДИМИЗ – ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ



**Қарийб бир асрлик тарихга эга Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси таркибида бугунги кунда 139 та бошланғич ташкилот бор. Аъзолар сони 82 минг 260 нафарга етган.**

Айни пайтда касаба уюшмаси «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви билан ҳамкорликда ишчи-ходимларга қулай меҳнат шароити яратиш, муносиб ҳақ тўлаш, умуман, хизматчиларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаати йўлида қатор вазифаларни амалга ошириб келаётир.

Яхши дам – меҳнатга ҳамдам, дейишади. Шу мақсадда Республика кенгашининг суғурта бўлими ўтган йили темирйўлчилар ва уларнинг оила аъзоларига нафақат тизимдаги, балки республикамизнинг энг яхши санаторийларига 1 минг 668 та йўлланма ажратди.

Шунингдек, 2022 йилнинг ёз мавсумида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 6 минг 885 нафар бола мароқли ҳордиқ чиқарди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикасида ишлаётган ва яшовчи темирйўлчилар фарзандларини қамраб олиш учун «Қўнғирот» санаторий-профилакторийсида 500 нафар бола соғломлаштирилди.

Йил давомида турли маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирлари ташкил этиб борилди. Хусусан, турли байрам саналари муносабати билан фахрий темирйўлчиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, озиқ-овқат тўплами, пул мукофоти ва қимматбаҳо совға-саломлар тақдим этилди. Нафақа ёшига тўлганига қарамай, соҳада астойдил меҳнат қилаётган нуронийлар маҳаллий зиёратгоҳларга, республиканинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига бир неча маротаба юборилди. Касб байрами арафасида ишчи-ходимларга касаба уюшма қўмитаси маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.



Аҳоли йўллаган мурожаат ва шикоятларни ўрганиб, жойида ҳал этишни бугун даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Мана шу жабҳада ҳам темирйўлчилар ташаббусни қўлдан бермаётир. Ўтган вақт давомида касаба уюшмасига иш берувчилардан 791 нафар ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома келиб тушган. Республика кенгаши ушбу тақдимномаларни батафсил ўрганиб, шундан 429 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик берган бўлса, 362 та тақдимномани қаноатлантиришни рад этган. Умуман олганда, йил мобайнида 23 минг 405 та мурожаат тегишлиги бўйича кўриб чиқилган. Ўрганишлар натижаси ўларок, яшаш шароити оғир, касалликка чалинган, молиявий жиҳатдан қийин аҳволда қолган 598 нафар темирйўлчига 827 миллион 200 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўз ваколати доирасидаги ишлар қатори давлат раҳбарининг тегишли қарор ва фармонлари ижроси йўлида ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Маҳалла ва оилани, айниқса, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Аёллар дафтари»ни шакллантириш ва рўйхатга киритилган хотин-қизларнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилаш йўлида амалга оширилган ислоҳотлар шулар жумласидан.

Мухтасар айтганда, соҳа мутасаддилари Президент бошчилигида мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда иш олиб бормоқда.



**Қутлимурот СОБИРОВ,**
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Йиғилиш



# Улуғвор мақсадлар сари

**Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмасининг кенгайтирилган мажлисида тармоқнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар касаба уюшма масъуллари видеоконференцалоқа тарзида қатнашди.**

Йиғилишда тармоқ касаба уюшмасининг иш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қатор масалалар кўрилди. Жумладан, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгаши ҳамда Республика кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари таркибига ўзгартишлар киритилди. Янги сайланганлар мажлис иштирокчиларига таништирилди.

Тадбир асносида Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти якунлари, амалга оширилган ишлар ҳисоботи тингланди.

Ўтган йил давомида Республика кенгаши ва тизимдаги бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари томонидан йил дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга жами 6,6 млрд. сўм маблағ йўналтирилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Республика кенгашининг масъул ходимлари томонидан ҳудудлардаги корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ қонунчиликдаги янги ўзгаришларнинг ҳужжатларда ифода этилиши таҳлилий-танқидий ўрганилди ва керакли кўрсатмалар берилди.

Йил давомида Республика кенгашига 76 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг аксариятига меҳнат қонунчилиги доирасида амалий ёрдам кўрсатилган.

Тадбирда ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам муфассал тўхтаб ўтилди. Асосан бу камчиликлар бошланғич ташкилотларда кузатилмоқда. Жумладан, ходимларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат низолари бўйича комиссиялар фаолиятини юритиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш каби муҳим масалалар бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари раислари эътиборидан четда қолган.

– Меҳнат муҳофазаси бўйича аниқланган 140 та қоида ва меъёр талаблари бузилиши юзасидан 38 та талабнома киритилгани ва натижада 75 та камчилик бартараф этилгани олдимизда кўп вазифалар турганини англатади, – деди тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгаши раиси Асрор Эшонхўжаев.

Йиғилишда тармоқ касаба уюшмалари олдида турган вазифалар, ушбу йилда режалаштирилаётган ишлар кўлами баён этилди.

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар соҳаси ривожланиб, корхона, ташкилот ва муассасалар сони кўпаймоқда. Янги ташкил этилаётган меҳнат жамоаларини ҳам касаба уюшмаларига жалб қилиш орқали уларнинг ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада ҳам кенг миқёсли ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

«Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» Давлат дастури асосида Республика кенгаши дастурини ишлаб чиқиш, уларнинг ижроси доирасида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни имкон даражасида қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш, корхона ва филиалларда меҳнат муҳофазасига оид талабларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини тубдан кучайтириш, ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахслардан тушган мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш, уларни касаба уюшмаларига берилган ваколатлар доирасида ҳал қилиш, ўқув-семинарларни давом эттириш, турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилишини таъминлаш каби долзарб вазифалар тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари ва Республика кенгаши аппарати масъул ходимларига юклатилди.

Маълумки, ташкилот ва корхоналарда ижтимоий меҳнат масалалари ва меҳнат низолари бўйича комиссиялар фаолият кўрсатади. Комиссия аъзоларининг малакаси оширилиб борилиши, зарур бўлганда, унинг таркибига ўзгартиришлар киритилиши керак. Йиғилишда ушбу комиссияларнинг иши танқидий-таҳлилий кўриб чиқилиши айтилди.

Шунингдек, жойларда қонунчиликдаги ўзгаришлар, жумладан, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексидаги янгиликлардан огоҳ этувчи ўқув-семинарларни тизимли ташкил этиш масаласига урғу берилди.

Соҳа ходимлари ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини тиклашлари, айниқса, болажонларнинг оромгоҳларда дам олишларини кўпроқ таъминлаш борасида қатор таклифлар билдирилди.

Йиғилишда таъкидланган камчиликлар юзасидан Республика кенгашининг ҳудудлар бўйича кураторлари ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмиталари раисларига белгиланган муддатда иш фаолиятини қайтадан танқидий-таҳлилий ўрганиб, зарур чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Кун тартибида кўтарилган барча масалалар юзасидан мажлис қарори қабул қилинди.

**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА**
«ISHONCH»

Фарғона вилояти | Фаолият

# Аъзоларнинг кўнгли тўқ

**...Қўқон шаҳридаги 6-мусиқа мактаби қоровули Анваржон Жумабоев соғлиғи ёмонлашиб, касалхонага тушди. Унинг бетоблигидан хабар топган касабақўм томонидан елкама-елка ишлаб келаётган ҳамкасбининг дори-дармони учун моддий ёрдам ажратилди.**

Кутилмаган дард Фарғона туманидаги 26-мусиқа мактаби ўқитувчиси Илҳомжон Исроиловни тўшакка ётқизди. Дўст оғир кунда билинади, деганларидек, касаба уюшмалари уни ҳам ёлғизлатиб қўймади. Молиявий кўмак Илҳомжоннинг тезроқ шифо топиши учун катта мадад бўлди.

Камолахон Нишонова Фарғона вилояти маданият марказида либосчи бўлиб ишлайди. Уни кўпдан бери саломатлигидаги муаммолар қийнар эди. Касаба уюшма етакчиси Камолахоннинг дардини эшитгач, саломатлигини тиклаши учун «Бўстон» сиҳатгоҳига йўлланма ажратишга қарор қилди.

Умуман олганда, ҳар бир аъзони қўллаб-қувватлаш, ғамхўрлик кўрсатиш, ижтимоий ҳимоялаш каби масалалар мунтазам равишда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Фарғона вилояти бирлашган касаба уюшма қўмитасининг эътиборида. Юздан ортиқ бошланғич ташкилотда 7 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган қўмитанинг сафи тарғибот ишлари натижасида тобора кенгайиб боряпти.

Ўтган йили тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимлардан 30 нафарининг ота-оналарига имтиёзли, ишлайдиган пенсионерларнинг 2 нафарига санаторийларга бепул йўлланмалар берилди. Ёзги соғломлаштириш мавсумида аъзоларнинг 45 нафар фарзанди оромгоҳларда дам олдирилди.

15 нафар ходим Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига, 45 нафар ходим ва тизимда узоқ йиллар меҳнат қилган, ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийлар водийнинг гўзал масканларига саёҳатга олиб борилди. Бундан ташқари, Хива шаҳрига 62 нафар, Тошкент шаҳрига 23 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходим саёҳатга юборилди.

Ишчи-ходимлар ўртасида «Спорт – нафислик ва саломатлик манбаи», «Соғ танда – соғлом ақл» шиори остида мусобақалар ўтказиш анъанавий тус олгани ҳам барчага манзур бўлмоқда.

Юртимизда нишонланадиган байрамлар олдидан фахрийлардан хабар олиш одат тусига кирган. Ўтган йили 105 нафар фахрийнинг ҳолидан хабар олинди. Шу билан бирга, тизимдаги ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 20 нафар байналмилалчи-жангчига озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Янги йил байрами муносабати билан тизимдаги 3 минг 121 нафар ходимнинг фарзандларига совғалар тақдим этилди.

Бу каби хайрли ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

**Манзурахон АКРАМОВА,**
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Навоий вилояти | Давра суҳбати





# Атрофлича тушунча берилди

**«QIZILQUMSEMENT» акционерлик жамиятида раҳбарият томонидан янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётга татбиқ этиш масаласига бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди. Унда касаба уюшмаси фаоллари, ҳуқуқшунослар, цехкомлар, бўлим бошлиқлари, участка бошлиқлари иштирок этди.**

«QIZILQUMSEMENT» акционерлик жамияти ходимлар ва ижтимоий масалалар бўйича директори Бахтиёр Бобоназаров мамлакатимизда халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аҳоли учун яратилаётган шароитлар, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг афзалликлари, бундан буён ана шу афзалликлардан оқилона фойдаланиш, адолат тамойилларига амал қилиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтди.

Давра суҳбатида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Навоий вилоятидаги минтақавий вакили Шуҳрат Жўраев, вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи Лутфулло Хайруллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, янги меҳнат кодексида белгиланган қоидалар, тартиб-интизом, турли корхона ва ташкилотларда хизмат қилаётган ишчи-ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тушунча беришди.

Бу муҳим ҳужжатни шакллантиришда 10 дан ортиқ халқаро ташкилотлар, 94 та Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциялари, 63 та давлат тажрибаси ўрганилиб, 100 дан зиёд хорижий мутахассислар, иш берувчилар, касаба уюшмалари, жамоатчилик ва тадбиркорлик субъектларининг вакиллари иштирокида кодексни ҳар томонлама пишиқ ва мукаммал қиладиган турли муҳокамалар, конференциялар ўтказилганлиги алоҳида таъкидланди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган мавзуга доир барча саволларига тўлиқ ва мазмунли жавоб олдилар.

**Наргиза ЮЛДОШЕВА,**
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгаши раиси

**Ҳикмат**

*Меҳнат бизнинг замонда буюк ҳуқуқ ва буюк бурчдир.*
**В. ГЮГО**

Самарқанд вилояти | Тадбир

# Улуғ ва муқаддас



**Самарқандда «Касаба сайр» унитар корхонаси ташкил этаётган ички туризм йўналишидаги саёҳатларда аёлларга алоҳида имтиёзлар бор. «Муқаддас аёл» шиори остида ўтказилган бу галги байрам тадбири ҳам ўзига хос жозибаси билан эсда қоладиган бўлди.**

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, чекка ҳудудларда яшовчи, турли соҳаларда хизмат қилаётган 800 нафардан ортиқ хотин-қизнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Улар навқирон шаҳардаги бунёдкорлик ишлари, тарихий-меъморий ёдгорликлар ҳамда «Буюк ипак йўли» туристик маркази билан танишиш имконига эга бўлишди.

«Олтин Самарқанд» базмгоҳида тантанали тадбир иштирокчиларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сухроб Рафиқов қутлади. Байрам муносабати билан бир гуруҳ хотин-қизлар касаба уюшмалари томонидан рағбатлантирилди.

– Ўтган йил давомида ички туризм йўналишларидаги саёҳатларимиздан қарийб беш минг нафарга яқин хотин-қиз баҳраманд бўлганди, – дейди «Касаба сайр» УК раҳбари Аббос Ҳазратқулов. – Эндиликда уларга яқин ва олис ўлкалар билан танишиш имкониятини яратиш ҳаракатида бўляпмиз. Замонавий автоуловга эга бўлдик. Бу эса сайёҳлик қамровини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Тадбир иштирокчилари учун катта байрам концерти намойиш этилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ**
«ISHONCH»







Байрам арафасидаги ўйлар

# МЕҲР-МУҲАББАТ ВА ВАФО-САДОҚАТ СОҲИБАЛАРИ

*Баҳор байрамлар билан бошланади. Дастлаб 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини қувонч билан кутиб оламиз*

Хўш, мунис онахонларимиз, опа-сингилларимиз ва қизларимиз байрамини кенг нишонлашимизнинг асл сабаби нимада? Нега аёллар бунчалик улуғланади? Нега бу кунни бутун дунё аёллари байрам қилишади?

Маълумотларга кўра, «аёл» арабча сўз бўлиб, «оила» калимаси билан ўзакдошдир. Бироқ 8 мартга нисбатан «аёл» эмас, балки «хотин-қизлар» сўзи кенг қўлланилади.

Аёлларни, қизларни баҳорга қиёслашади, баҳорни эса уларга. Гўзаллик, нафосат, янгиланиш, ҳаётнинг давомийлиги баҳор ва аёл тушунчаларида уйғунлашади.

Аёл азалдан меҳр-шафқат ва садоқат тимсоли бўлиб келган. Аёл деганда, кўз ўнгимизда, аввало, улуғ ва табаррук она сиймоси гавдаланади. Инсон зоти борки, оламдаги барча яхшилик ва эзгуликларни, ҳаёт сиру асрорлари ва сабоқларини онанинг меҳр-саховати туфайли ўрганади. Аёл борки, олам мунаввар, аёл борки, ҳаёт гўзал ва мафтункор.

Инсон, оила, аёл тушунчаларини бир-биридан ажратган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, уларга файзу баракат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури ила ёритадиган, жамиятда мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.



Алломалар Ватанга энг муносиб таъриф излаб, уни Она сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор. Дунёда муқаддас деган таърифга энг муносиб зот ҳам Онадир. Онани эъзозлаш бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилатдир. Инчунин, халқимиз тарихида ўзининг жасорати ва матонати, ақл-заковати, нафосати ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар Отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз.

Аёлларга чексиз ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, аёл, аввало, ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сути билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўронларидан асраб-авайлайдиган фидойи инсондир. Ҳадисларда «Аёлларни улуғ одам ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хўрлайди» деб бежиз айтилмаган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам халқимиз, аввало, хотин-қизларнинг турмуши фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган. Оналик ва болаликни ҳимоялаш, баркамол авлодни вояга етказиш, оила ва маҳалладаги аҳиллик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Биз бугун Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган, ҳаёт давомийлиги ва абадийлигини ўзида мужассам этган аёл зотини, табаррук оналарни улуғлар эканмиз, беихтиёр мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир» деган мазмундаги сўзларини эслаймиз ва оналаримиз олдида таъзим қиламиз.

**Севара ИШМУРАТОВА,**
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази умумий бўлими бошлиғи

**Ҳикмат**

***Она муҳаббатидан муқаддасроқ ва беғаразроқ ҳеч нарса йўқ; ҳар қандай меҳр-муҳаббат, ҳар қандай эҳтирос ҳам унга нисбатан ё ожиз, ё ғаразлидир.***

**В. БЕЛИНСКИЙ**

---

Сўранг, жавоб берамиз

## ТАЪТИЛ КУНИ УЗАЙТИРИЛАДИМИ?

**САВОЛ:** *Яқинда ҳамкасбларим янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси бўйича ҳар йилги меҳнат таътили кунларининг энг кам миқдори, яъни энг кам таътил кунлари амалдаги кодексдагига қараганда анча узайтирилган, деб айтишди. Шу гап тўғрими?*

**Дилобар НУРМУРОДОВА**

Шайхонтоҳур тумани



**ЖАВОБ:** Ҳақиқатан ҳам амалдаги Меҳнат кодекси бўйича ходимга ишлаган ҳар йили учун бериладиган меҳнат таътилининг энг кам муддати ўн беш кундан иборат қилиб белгиланган эди.

Шу йилнинг 30 апрелидан қонуний кучга кирадиган янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида эса ҳар йилги асосий энг кам меҳнат таътилининг давомийлиги йигирма бир календарь кунни ташкил этиши белгиланган.

Шунингдек, янги таҳрирдаги кодексда ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилиши мумкин бўлган ҳоллар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, ёши ва соғлиғининг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга ўттиз календарь кун, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларига давомийлиги йигирма етти календарь кун бўлган ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилади.

Бугина эмас. Меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлганлар, ноқулай табиий-иқлим шароитларида иш бажараётганлар, битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажига эга бўлганларга, шунингдек, қонунчиликда, жамоа келишувларида, жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолларда ходимларга ҳар йилги қўшимча таътиллар берилиши мумкин.

Шунингдек, ходимга у битта ташкилотда ёки тармоқда ишлаган ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили берилади.

Қонунчиликда, жамоа келишувларида, шунингдек, жамоа шартномасида, бошқа ички ҳужжатларда ёки меҳнат шартномасида ушбу ҳар йилги қўшимча меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига бошқа (олдинги) иш берувчидаги ёхуд бошқа тармоқдаги иш стажини киритиш назарда тутилиши мумкин. Шунингдек, агар ходим иш берувчининг таклифига кўра ишга қабул қилинган бўлса, ҳар йилги қўшимча меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига бошқа (олдинги) иш берувчидаги иш стажи киритилади.



## УЙДА ҲАҚҚИМ БОРМИ?

**САВОЛ:** *2008 йилда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурганман. Иккита фарзандим бор. Қайнона-қайнотам эрта вафот этган. 5 сотих бўлган ҳовли қайнотамнинг номида. Доимий рўйхатда тураман. Эрим билан келишолмай, 7 ойдан буён ота уйимдаман. Қариндошлари турмуш ўртоғимдан ажратишмоқчи. Ҳовлини эса катта опамнинг номига ўтказишмоқчи. Эрим рози. Ҳаққимни талаб қила оламанми?*

**Н.ЗОКИРОВА**

Тўрткўл тумани

**ЖАВОБ:** Савол мазмунига кўра, сизни муқаддам турмуш ўртоғингиз билан бирга яшаб келган уй-жой (ҳовли)дан фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслигингиз масаласи қизиқтирмоқда.

Амалдаги қонунчилик (Уй-жой кодексининг 32-моддаси)ка мувофиқ, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан бирга яшаётган фуқаролар уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган тураржойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб келиш ҳуқуқига эга. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Уй, квартиранинг мулкдори билан унинг собиқ оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар ўртасида тураржойдан фойдаланиш тартиби тарафлар келишуви билан белгиланади.

Шунга кўра, сиз фарзандларингиз билан турмуш ўртоғингизга тегишли уй-жой (ҳовли)дан фойдаланиш ҳуқуқини талаб қилишга ҳақлисиз.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

**Эълон**

1993 йил 22 январда марҳума Каюмова Насиба Хамидовна номига берилган №09-02/3308 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси «Нуроний» газетаси бош муҳаррири

**Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ**

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Шеърий ҳикматлар

# Жаннат қайдадир?



Ҳазрат Мир Алишер Навоийдан иқтибослар

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин туфроғи.

***

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун, кунингга айлагали нурпош
Бирисин ой айла, бирисин қуёш.

Эҳтиром

# Ой қуёшдан нур олади

## Аёл

...Дунёда қўшиқлар кўп. Аммо биров мендан энг биринчи қўшиқ нима эди, деб сўраса, ҳеч иккиланмасдан, она алласи, деб айта оламан. Она меҳрини тўсадиган чегара йўқ. Эҳтимол, алланинг қудрати мана шундадир. Эҳтимол, аёлнинг қудрати ҳам мана шундадир. Эҳтимол, она юрт, она тили, она Ватан деган иборалар мана шундан келиб чиққандир. Эҳтимол, она Ер деган ибора шундан келиб чиққандир. Шунинг учун ҳам мен Ер куррасини аёлга ўхшатаман.

## Гўдак иси

Аёл гўдак исини биринчи фарзанди туғилганидаёқ ҳис этади. Эркак эса гўдак иси нималигини неварали бўлганидан кейин англайди!.. Биз – эркаклар доим кечикиб юрамиз...

## Ой ва қуёш

Ой қуёшдан нур олади. Қуёш қанча ёрқин нур сочса, ой шунча тиниқлашади. Эркак қанча кўп меҳр берса, аёлнинг ҳусни шунча очилади.

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# ОНА ЭРУР ҚИБЛАИ ОЛАМ

Ҳадис ва назм

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан «Менинг яхши муомала қилмоғимга ким ҳақлироқдир?» деб сўрабди. Жаноб Расулуллоҳ «Онанг!» дебди. Ҳалиги одам яна икки бор «Тағин ким?» деб сўраган экан, жавоб бир хил бўлибди. Кейин эса «Отанг!» деган жавобни эшитибди.

Ушбу ҳадисни назмга солган ардоқли шоиримиз Абдулла Орипов «Она» шеърини шундай якунлаган:

*Бу ҳикмат шарҳини ўйладим узоқ,*
*Ростдан она эрур қиблаи олам.*
*Гарчи барчамиз ҳам падармиз, бироқ*
*Онадан туғилган пайғамбарлар ҳам.*



Ҳажвия

# Муҳлат



– Сиз билан ортиқ ишлай олмаймиз, – деди боғча мудираси Таманно Тўхтаевна ҳайдовчи йигитга ўқрайиб қарар экан. – Битта сизни деб нуқул гап эшитганимиз эшитган. Неча марта айтдим, Шарифжон, ишга кечикманг, бу ер болалар боғчаси, уларга овқат вақтида берилиши керак, деб. Сиз қулоқ солмаяпсиз. Мана, бугун ҳам тушлик сиз туфайли ярим соат ортга сурилди... Энди бўлди, тамом, аризангизни ёзинг.

Мудиранинг гапидан кейин қизғин муҳокама бошланди:

– Келиб-келиб комиссия келган куни кечикиб ўтирса-я...

– Ёзда ухлаб қолиб, сутни ачитиб келганида ҳайдашимиз керак эди...

– Айб ўзимизда, бултур бир қути сарёғни сотиб юборганида баҳридан ўтмадик...

Мудира муҳокамага якун ясаб, масалани овозга қўймоқчи бўлди:

– Бас, ўртоқлар, ҳаммаси маълум. Ҳайдамасак бўлмайди. Қани, кимда-ким ҳайдовчи Шариф Шокировни интизомсизлиги учун ишдан...

Шу гапларни айтаётганида мудиранинг кўзи кутилмаганда орқароқда ўтирган Салимахоннинг янги кофтасига тушиб қолди-ю, беихтиёр «Вой», деб юборди. Кейин ўзини ўнглаб олиб, унга деди:

– Салима Султоновна, марҳамат, олдинроққа ўтинг!

Салимахон шуни кутиб тургандай, кофтасини кўз-кўз қилиб, олдинга ўтди.

– Буюрсин, зўр экан, – деди Шаҳноза суқланиб қарар экан.

– Ранги жуда боғатий экан, – чимирилди Ҳафизахон.

Мудира паст овозда Салимахондан сўради:

– Қаердан олдингиз?

– Шарифжон акамнинг универмагда танишлари бор экан, – деди Салима Султоновна мулойимлик билан. Ортидан секингина қўшиб қўйди. – Бугун-эрта тугаб қолиши мумкин...

Бу гапни эшитган мудира сал тараддудланди, сўнгра қатъий оҳангда деди:

– Шариф Шокировнинг ишда қолиш-қолмаслигини жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Бу масалани бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Яхшиси, яна бир ой муҳлат бериб кўрайлик...

**Муҳаммад СИДДИҚ**

Ривоят

# Муҳаббатнинг туғилиши

*Қадим-қадим замонларда ер юзида Инсон пайдо бўлибди. У алпқомат, довюрак, шижоатли, ҳеч қандай машаққатдан чўчимайдиган мард-ботир йигит экан. Аммо кунларнинг бирида унинг вужудини шу пайтгача бирон марта ҳам сезмаган, ҳис этмаган алланечук туйғулар чулғаб олибди-ю, оёқлари қалтираб кетибди. Ҳолбуки, унинг рўпарасида даҳшатли ва ёвуз куч эмас, нозиккина аёл пайдо бўлган экан. У ўзининг ана ўша назокати, ана ўша латофати, ана ўша майинлиги билан йигитнинг вужудини ларзага солибди.*

*Алқисса, бу ларзадан дунёдаги энг қудратли, энг буюк, кишини энтиктирувчи ва яратувчан куч – Муҳаббат пайдо бўлибди...*



Ибратли ҳикоя

# ФАРЗАНДГА МЕҲР

**Иттифоқо зим-зиё тунда, бир хилват гўшада, бир хонада бир вақтнинг ўзида икки аёлнинг кўзи ёрибди. Иккиси ҳам ўғил туғибди-ю, ҳушидан кетибди. Тақдир ҳукмини қарангки, чақалоқлардан бири дунёга келган заҳотиёқ жон берибди. Аёллар эрталаб ҳушига келибди. Шунда боласи нобуд бўлган аёл дугонасининг гўдагига ёпишиб, «Бу менинг ўғлим, сеники ўлган!» дея даъво қила бошлабди. Масалага ойдинлик киритадиган гувоҳ йўқлиги боис иккиси узоқ жанжаллашибди. Ахийри, юрт ҳукмдори қабулига боришибди.**

**«Бола меники!» дебди бояги аёл. «Йўқ, у ёлғон гапиряпти, бола меники!» дея эътироз билдирибди иккинчиси. Шоҳ ниҳоятда доно инсон экан. Масалани ҳал этишнинг ўта қалтис ва ўта осон йўлини топибди. «Қилич келтиринглар! – дея буюрибди мулозимларига. – Ҳозир болани иккига бўламиз, улар хоҳлаганини олиб кетишаверади». Бу гапни эшитгани ҳамоно аёллардан бири «Бўпти!» дебди. Иккинчиси эса тиз чўкиб подшога ёлворибди: «Илтимос, ундай қилманг. Майли, болани анави олсин, фақат у тирик қолса бўлгани...».**

**Шунда шоҳ қатъий ҳукм чиқарибди: «Чақалоқни мана шу аёлга беринг, бола уники! Чунки ҳеч бир она ўз фарзандига ўлимни раво кўрмайди».**

Мозийдан садо

# ОҚИЛОНА ТАДБИР ШАРОФАТИ

**Бир шоир аёлларни танқид қилиб шеър ёзди. Шоҳ саройидаги хотинлар, вазир, ҳаким ва бойларнинг завжалари, қизлари ва опа-сингиллари бундан қаттиқ ғазабланиб, ҳукмдордан уни жазолашни сўрадилар. Шунга кўра, шоирни дарҳол саройга келтириб, тиз чўктиришди. Сўнгра подшоҳ қўлига бир таёқ олиб, аёлларга юзланди: «Шоирни мана шу таёқ билан уриб, аламингиздан чиқинг. Фақат битта шартим бор: ўч олишни орангиздаги энг хунук, энг бадбашара аёл бошлаб берсин!».**

**Подшоҳ шундай дея сукутга чўмди ва кута бошлади. Лекин ожизаларнинг бирортасидан сас-садо чиқмади. Подшоҳ эса шоирга табассум ила боқиб, «Кўрдингми, ҳеч қайси аёл сенга биринчи бўлиб таёқ уриб, хунук ёки бадбашара деган ном орттиришни истамади. Бас, шундай экан, энди бемалол уйингга кетавер!» деб, уни озод қилиб юборди.**

Сабоқ



# ЭСЛАБ ҚОЛИШ ВА УНУТИШНИНГ ХОСИЯТИ

***Кўпни кўрган кекса аёлдан «Сиз жуда машаққатли ҳаёт кечирдингиз, бироқ кўнглингиз ҳамиша ёш. Бунинг сири нимада?» деб сўрашибди. «Мен ўзим бошқалардан кўрган барча яхшиликларни дил дафтаримга ёзиб, эслаб қолдим, ёмонликларни эса сувга отиб, бутунлай унутдим, – дея жавоб берибди онахон. – Шу боис юрагимда чандиқ йўқ, билъакс, у ҳамон ранг-баранг гулларга бурканган боғдек соф-мусаффо».***

***Зеро, умр уммонида яхши-ёмонни эслаб қолишнинг ҳам, унутишнинг ҳам ўзига яраша ўрни ва аҳамияти бор!***

Келинг, бир кулишайлик...

# Саробга айланган туш

Аёллар байрами куни эрталаб чой устида хотин эрига деди:

– Дадаси, бугун антиқа туш кўрибман. Тушимда менга бриллиант кўзли тилла узук совға қилган эмишсиз. Бунинг таъбири қанақа бўлади?

– Буни кечқурун билասан, ойижониси, кечқурун, – деди эр қувлик билан.

Кечқурун у хотинига чиройли қоғозга ўралган катта қутини тутқазди. Хотин қувониб, қутини очган эди, ичидан... «Тушлар таъбири» китоби чиқди.

***

– Нега аксарият кемалар аёллар исми билан аталади? – сўради ёш матрос командиридан.

– Эҳ, чурвақа! – деди командир чуқур хўрсиниб. – Агар кемани бошқариш нақадар мушкуллигини билганингда эди, бунақа бемаъни савол бермасдинг.

***

Бўйдоқ фермер уйланмоқчи бўлиб, газетага эълон берибди. Хотин-қизлар байрами арафасида бир қиздан мактуб олибди.

Хатда қиз унга турмушга чиқишга аҳд қилгани, сепига отаси битта трактор қўшиб бермоқчи эканлиги ҳақида ёзган экан. Бундан боши кўкка етган фермер қизга шошилинч хабарнома йўллабди: «Дарҳол тракторнинг суратини менга юборинг!».

***

Кўча четида қулоғи оғирроқ икки кампир суҳбатлашяпти.

– Ҳой, Савринисо, чолинг яхши юрибдими?

– Ҳа, дуруст. Уч йил қисир қолиб, бу сафар иккита қўзилади.

– Майли, индама, чолларнинг ҳаммаси шунақа...



Ҳангома

# ШИВИРЛАШНИЯМ ЭШИТАДИГАН ҚУЛОҚЛАР

**Эшитиш қобилиятим сал пасайгандек туюлиб, поликлиникага бордим. Шифокор аёл текшириб кўриш учун бир қулоғимга қўйган бармоғини айлантириб, шовқин ҳосил қилди-да, мулойим оҳангда сонларни айта бошлади, мен такрорлаб турдим: «Ўн саккиз... ўттиз тўрт... эллик олти... олтмиш етти...».**

**Шифокор овозини тобора пасайтириб борар, мен бор диққатимни жамлаб эшитар ва айтган рақамларини такрорлардим. У иккинчи қулоғимни ҳам шу йўл билан текширгач, деди:**

**– Эшитишингиз яхши экан. Ташвишланишга ҳожат йўқ.**

**– Текширишнинг бошқа усули йўқми? – дедим мен ҳазиллашиб.**

**– Нега бундай деяпсиз? – ажабланиб сўради шифокор аёл.**

**– Ҳа, энди, бу қулоқлар бошқа ҳеч нарсани эшитмай қолган тақдирда ҳам аёлларнинг шивирлашиниям эшитаверади-да...**

**Ҳабиб СИДДИҚ**

Шукрона

# ЭНГ БЕБАҲО СОВҒА

**Ёш йигит севгилисига нима совға қилишни билолмай, онасидан сўради:**

**– Ойижон, агар 17 ёшда бўлсангиз, дадамдан қанақа совға кутардингиз?**

**– 17 ёшдами? – Она чуқур хаёлга толди. Кейин ўғлига юзланди. – Менимча, шу ёшнинг ўзи энг катта совға, бошқа нарсанинг кераги йўқ, болам.**

**Саҳифани Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:**

**Qudratilla RAFIQOV** *(tahrir hay'ati raisi),*
**Ulug'bek JALMENOV,**
**Anvar ABDUMUXTOROV,**
**Sayfullo AHMEDOV,**
**Akmal SAIDOV,**
**Ravshan BEDILOV,**
**Qutlimurot SOBIROV,**
**Suhrob RAFIQOV,**
**Shoqosim SHOISLOMOV,**
**Hamidulla PIRIMQULOV,**
**Nodira G'OYIBNAZAROVA,**
**Anvar QULMURODOV** *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),*
**Mehriddin SHUKUROV** *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
**Valentina MARSENYAK** *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

**Bosh muharrir**
Husan ERMATOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-97) 506-86-98
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-91) 406-43-24
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati –** (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-32
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** S. Abdurahmonov

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D.Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 01:20
**Topshirildi –** 01:40

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

**Tahririyat hisobraqami:**
2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma 136**
Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 31359**
**16824** nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.